

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ РАҚС ВА ХОРЕОГРАФИЯ  
ОЛИЙ МАКТАБИ**

**“САНЪАТ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ” КАФЕДРАСИ**

**“ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ” ФАНИДАН**

## **ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Билим соҳаси: 100000-Гуманитар соҳа  
Таълим соҳаси: 150000-Санъат  
Таълим йўналиши: 5151300 - Хореография (турлари бўйича)  
5150200-Санъатшунослик (хореография бўйича)

**Тошкент – 2018**

“Халқ ижодиёти ” фаннинг ўқув-услугий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 20\_\_ йил \_\_ сентябрда \_\_-сон билан тасдиқланган ўқув дастурига мувофиқ ишлаб чиқилди.

**Тузувчи:**

**Муродова М.Ш.** – Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби

“Санъат назарияси ва тарихи” кафедраси доценти

**Тақризчилар:**

Мухтаров И.А.– Санъатшунослик фанлари доктори, профессор в.б.

Аширов А.А.- УзФА Тарих институти «Этнология» булимий мудири, т.ф.д., профессор

Фаннинг ўқув-услугий мажмуаси “Санъат назарияси ва тарихи” кафедрасининг «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 йилидаги \_\_сонли мажлисида муҳокама этилган.

**Кафедра мудири \_\_\_\_\_ Муродова М.Ш**

Фаннинг ўқув-услугий мажмуаси ТДМРХОМ Илмий Кенгашининг «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 йилидаги \_\_сонли мажлисида тасдиқланган.



## ЎЗБЕК ХАЛҚ МАИШИЙ МАРОСИМЛАРИ

Режа:

- 1. Ўзбек халқи оилавий маросимлари таснифи.*
- 2. Фарзанд туғилиши ва тарбияси билан боғлиқ маросимлар.*
- 3. Никоҳ тўйи билан боғлиқ урф-одатлар.*
- 4. Мотам маросимларининг этнолокал хусусиятлари.*

Ўзбекларда ҳам бошқа халқлар сингари инсон ҳаёти ибтидосидан интиҳосигача турли-туман маросимлар билан бурканган. Инсоният ҳаётининг муҳим бурилиш нуқталари билан боғлиқ тарзда ўтказиладиган тадбирлар **оилавий маросимлар** деб юритилади. Оила ва оилавий маросимлар этносга хос маданий ва маиший анъаналар узатувчиси ҳамда давомчиси ҳисобланади. Оилада фарзанд туғилган кун, унга исм қўйиш, болани илк маротоба бешикка белаш ва дастлабки қорин сочини олиш, илк кадамни босиши, ўғил ва қизларни биринчи бор мактабга бориши, мучал ёшига тўлиши, мактабни битириши, никоҳ тўйи, кумуш, олтин ва олмос тўйлари, нафақага кузатиш кабиларни тантанали тарзда нишонлаш инсон ҳаётидаги унитилмас воқеалардир.

**Бешик тўйи** Ўзбекистонда кенг тарқалган қадимий одатлардан. Бола туғилганда етти, тўққиз, ўн биринчи кунлари ёки келин-куёвнинг она-оналарининг ўзаро келишувлари билан белгиланган кунда асосан қариндош-уруғ, қўни-қўшнилар иштироикида ўтказиладиган тантанали маросимдир.

Бешик чақалоқнинг она қариндошлари-бобоси, бувиси, тоға ва холалари томонидан қилинган. Бешик материали асосан қаттиқ ёғочлардан, унинг эгма қисмлари(поялари) эса қора толдан ясалиб, бола учун махсус қўл ва оёқ боғичлари(тортқилар) билан боғлаб қўйилади. Бешикнинг кўплаб фойдали жиҳатлар мавжуд бўлиб, бу хусусиятлар ҳаттоки медитсина томонидан ҳам исботланган. Шу боис ўзбекларда чақалоқни илк маротоба бешикка белаш махсус маросим-бешик тўйи сифатида нишонланиб келинган. Одатда, бешик тўйи оиладаги биринчи (тўнғич) фарзанд учун ўтказилади ва у

тантанали кечади. Бешик удуми билан боғлиқ чақалоққа керакли барча буюмлар тайёрланган. Дастурхонга нон, патир ва анвойи ширинликлар тугилган, шунингдек яна унга ўйинчоқлар (қиз бола бўлса кўғирчоқ) кўшилган. Кўп ерларда (хусусан Тошкентда) чақалоққа атаб (агар ўғил бола бўлса) той ҳам ясатилган. Чақалоқнинг ота-онаси, бува ва бувисига сарпо ҳам кўйилган. Безатилган бешик, совғалар ва дастурхонларни арава (ҳозирда машиналарда ёки автобус) га юклаб, кўча-кўйда кўз-кўз қилиб, карнай-сурнай ва чилдирмалар жўрлигида олиб борилган. Меҳмонларни кутиб олинган, ниятлари оқ бўлиши, болага бахт тилаш рамзи сифатида уларнинг юзларига ун сепиб кутиб олинган. Келган меҳмонларга дастурхон тузаб безатилган хонага таклиф этилган. Шу вақт бошқа хонада бошқа расм-русмлар ижро этилиб чақалоқни бешикка белаш маросими ўтказилган. Халқимизда болани бешикка белашда қариндош-уруғлар ва маҳаллада ҳурматли, эътиборли, ували-жували аёллар танланган. Булардан бири доя момо (енага) ёки ўзининг катта бувиси бўлиши лозим бўлган. Болани бешикка белашда "кўрқмас ботир бўлгин, соғлом ўсгин, узоқ яшагин!" деб турилган. Шу тарзда болани бешикка белашиб, қўл оёғи боғлангандан кейин бешик атрофида тўпланганлар бешик устидан турли сочқилар сочганлар. Бешикка белашда чақалоқ ўғил бола бўлса, улғайиб абжир чавандоз бўлсин, деган ниятда бешикнинг устига қамчи, қиз бола бўлса, чевар бўлсин, деб курама каштали ёстик, нина, ип кўйиб кўйилади. Сўнгра исириқ солинади ва бешикка белаётган кампирлардан бири: "Егаси келди бешикка, шайтон чиқсин эшикка", - деб айтиб турган. Одатда белаётган аёл оғзига нон тишлаб олиб, то белаб бўлгунича гапирмаган. Бола белаб бўлингандан сўнг кайвони оғзидаги нон ёш бола томонидан "умри узоқ, ризқи баланд бўлсин" деган ниятда узоқроқ жойга олиб қочилган. Фарғона водийсида анъанага кўра, болани бешикка белашда ёстиғи остига кулча, туз, пичоқ, ойна, Сурхондарёда ойна, тароқ, Тошкентда эса ойна, пичоқ, қалампир каби нарсалар кўйилган. Бу нарсаларнинг ўз рамзий маъноси бўлган. Нон риск-насиба бўлиш билан бирга инсоннинг доимий йўлдоши ҳам бўлган. Пичоқ ва

ойна кўйишда гўдак ҳаёти ойнадек тиниқ, пичоқдай ўткир бўлсин деган ният мужассамлашган. Таомлар тортиб бўлингач, меҳмонлар бирин-кетин кузатилади. Шу билан маросим якунланади.

Ўзбек халқида қадимдан сақланиб келаётган яна бир маросим *хатна қилиш (ўғил тўйи)дир*. Халқ ўртасида хатна «суннат тўйи», «чукрон», «қўлини ҳалоллаш (поклаш)» каби номлар билан юритилади.

Бу маросим ҳам узоқ тарихий даврлар билан боғлиқ бўлиб, инсоният тарихининг илк даврларидаги ўғил болаларни бир ёш босқичдан иккинчисига ўтишини махсус маросим, инитсиатсия тарзда нишонлаш билан боғлиқдир. Бундай одатлар кейинроқ яҳудийларда, ислом дини тарқалган мамлакатларда удумга айланган. Мусулмонларда суннат тўйини ўтказишдан мақсад «исломнинг суннاتини бажариш»-дир. Бу маросим ўғил болаларда 3-5-10 ёшда, айрим ҳолларда 11-12 ёшгача ўтказилган. кўни-кўшнилар ҳамда қариндош-уруғлар иштирокида тўй тайёргарлиги билан боғлиқ бир неча удумлар (кўрпа тикиш, тўй сарполарини бичиш ва тикиш, қишлоқ ва маҳалл)нинг кекса ва ўрта ёшдаги серфарзанд аёлларига топширилган. Тўйгача бўлган даврда тандир қурди (ёки нонвой солди), сўқим сўйди, маслаҳат оши каби маросимлар ҳам ўтказилган. Бу маросимлардан кейин тўй олдидан хатми қуръон маросими ўтказилган. Бунга қишлоқ (маҳалла) кексалари, масжид имоми ёки қори ва қариндошлар таклиф этилган. Дастурхон ёзилиб охирида фотиҳа қилинган. Шундан кейин катта тўй танътаналару бошланган. Тўй арафасида тўй болага қавм-қариндошлар ва ҳамқишлоқлар оқсоқоллар даврасида сарпо кийдириш маросими ўтказилган. Сўнгра тўйболани муборакбод этиб устига танга, ширинликлар сочадилар.

Суннат тўйидаги энг катта маросими-елга ош бериш. Илгарилари ошга ташриф буюрга меҳмонлар ерга, супа ва чорпоаяларга тўшалган гилам, шолча устига давра қуриб ўтирганлар. Дастурхонга нон қуйиб чой берилгач, хар икки кишига бир лагандан ош тортилган. Ҳозирги даврда меҳмонлар стол-стуллар қўйилган тўкин дастурхон атрофида ўтқазилади. Ҳозирда Ўзбекистоннинг кўплаб ҳудудларида тўйда наҳорга ош бериш одат тусига

кирган. Ош бериш маросими охирида илгарилари кечқурин ҳовлига катта гулхан ёқилиб, унинг атрофида катта кураш, тортимачоқ (арқон тортиш) ва бошқа ўйинлар қилинган. Меҳмонхоналарда (аёллар ичкарида) базм, ғазалхонлик ўтказилган, бахшилар дostonлардан парчалар ижро қилган. Тўйнинг эртаси куни баъзан кўпқари ва бошқа мусобоқалар уюштирилиб, ғолибларга совринлар берилган. Суннат тўйи якунида тўй бола уста-сартарош томонидан хатна қилинган. Уста боланинг аъзоси учига ғаров (ёғочдан ясалган қисқич) қистириб, аъзонинг чилпинадиган қисмини устара тиғи билан кесиб олган. Кесиш вақтида болага умри узок, ризки бутун бўлсин деган ниятда нон тишлатилган. Бу удумнинг ўтказилиши оғрик пайтида болани чалғитиш учун ҳам хизмат қилган. Боланинг суннатиси онаси томонидан рамзий сотиб олинган ва жуда эҳтиёткорлик билан яширин равишда мевали дарахтнинг, масалан, тут тагига кўмиб қўйилган. Уста томонидан хатна қилиш амали бажариб бўлинганидан кейин, бола учун хатна чилласи бошланади. Хатна чилласи даврида бола янги туғилган чақалоқлар ва ёш келин-куёвларни кўриш каби бир қатор чеклашларга амал қилган. Хатнадан кейинги кечалари чиллали бола хонадондан ташқарига чиқарилмаган, унинг олдида доимо яқинларидан кимдир бўлиши лозим бўлган. Хатна жараёни кўпинча қариндош уруғлар, кўни-қўшнилар иштирокида тор даврада ўтказилган. Барча нарсаларни она, хотин-қизлар бажаргани ҳолда айнан хатна жараёнини эркаклар бажарганлар. Суннат қилинган бола 2-3 кундан кейин ўрнидан тургач, қавм қариндошлар ва қўшни аёллар иштирокида жой йиғиш маросими ўтказилган.

Анъанага кўра, мучал ёши ўн икки йиллик бир муддат тугаб, кейинги бошланиш даврида (яъни, 12-13, 24-25, 36-37... ёшда Наврўз байрами кунларида нишонланган. Айниқса, биринчи мучал алмашиши — ўн икки ёшдан ўн уч ёшгача ўтиш (бошқа мучал ёшларига қараганда) катта тантана билан нишонланган.

Мучал ёшига бағишланган маросим оилада ота ва она томонидан бўлган қариндошлар иштирокида ҳамда кўни-қўшни, қариндош-уруғлар

иштирокида ташкиллаштирилган. Бу маросим катта тантанага айланган ва маросим катнашчиларига махсус зиёфат берилган. Зиёфатлар турли жойларда турлича ўтказилган. Республикамизнинг баъзи жойларида барча учун умумий дастурхон ёзилса, айрим жойларда олдин болалар, сўнг катталар ва охирида қариндош ва қўшнилар учун дастурхон тузаб, зиёфат берилган.

Ўн иккига тўлган барча ўғил-қизлар оқ либос кийишиб, бир жойга тўпланишган. Мучал ёшига тўлган ўғил-қизлар бир-бирини қутлашган. Сўнгра улар кўчаларда бирга сайр қилишган. Қадимда мучал ёшига бағишланган сайил Наврўз байрами тадбирларига қўшиб ўтказилган.

Мустақиллик йилларида «Мучал ёши» оила аъзолари, дўстлар даврасидагина эмас, мактабларда ҳам уюштириладиган бўлди. Кейинги йилларда мучал ёши республикамизнинг кўпгина мактабларида ота-оналар иштирокида Наврўз арафасида тантанали тарзда ўтказилмоқда.

Аждодларимизнинг расм-русумлари, дунёқараши, ишонч-ётиқодлари, турмуш-тарзи ва ҳаёт ҳақидаги фалсафий қарашлари, асрлар бўйи жамланган ҳаётий тажрибалари ва турмуш кўникмаларини ўзида мужассамлаштирган энг жозибали маросимларимиздан бири икки ёшни бирлаштирувчи - **никоҳ тўйидир**. Бундан мақсад никоҳни жамоатчиликка маълум қилиш ва ота-она, қариндош-уруғларларнинг жамоа билан баҳам кўришидир. Никоҳ тўйи Республикамизнинг турли жойларида «никоҳ тўйи», «ижоб тўйи», «уй туширар тўйи», «катта ялоқ қизартирар тўйи» деб номланган Никоҳ тўйи тизимида бир қанча маросимлар мавжуд: уй кўрар (қиз кўрар), совчилик, сеп тахлар, тўққиз бериш (тўққиз тавоқ), қиз оши (қизлар мажлиси), келин тушириш, бақон тутиш, юз очди, келин салом, чорлар каби маросимлар ва улар билан боғлиқ расм-русумлар. Улар ҳозиргача сақланиб, амал қилиниб келинади.

Келин тушириш дастлаб уй кўрди(қиз кўрди) маросимидан бошланади. Маълумки ўтмишда, никоҳ тўйи фақат ота-она тавсияси ва раъига кўра ўтказилган. Бу одат айрим ерларда ҳозиргача сақланган. Ўғил



балоғатга етгач муносиб қиз ахтаради. Йигитнинг онаси, аммаси, ёки холаларидан бири мўлжалланган қизларни хонадонига ташриф буюриб, «меҳмонга келдик» баҳонаси билан қиз кўрадилар, ҳовлисининг тозалиги, уйларининг тартиблилигига разм соладилар; қайси қиз маъқул келса, уникига совчи юборганлар. Ўзбекларда совчилар кичик, катта совчиларга бўлинади. «Кичик совчи»лар (кўпинча аёллар) ишни битириб қайтганларидан сўнг «катта совчи»лар тўй харажатларини ва айним жойларда қалин миқдорини белгилаганлар. Кўплаб эрларда совчиликка куёвнинг тоғаси ва элнинг сўзамол ҳурматли «оқсоқоли» борган. Қиз томон совчиларга турли рамзий ишораларда(ковуши ичига сув солиб қўйиш, ковиушини ўнглаб қўйиш) норозилик белгисини ифодалаган бўлса, розилик аломатини совчилар олдига қўйилган ёғли, тансиқ таомларда ҳам билдирган.

Никоҳ тўйи тизимидаги кўримли маросимлардан фотиҳа тўйи (кичик тўй, баъзи ерларда муборокбод тўйи) бўлган. Совчиларнинг сўнгги боришида фотиҳа куни белгиланган. Бўлажак келиннинг уйида ўтказиладиган фотиҳа тўйи даврасига жамоанинг эътиборли қариялари, оқсоқоли ҳам таклиф этилган ва бу кун «нон синдириш» маросими ўтказилади. Даврадагилар орасидан кекса ёшли, кўп фарзандли, бир никоҳли киши йигит ва қизнинг тақдирини мустаҳкам боғланиши ҳақида дуои-фотиҳа ўқиб қўлига қиз томонидан олиб келинган ва йигит томонидан дастурхонга қўйилган нонлардан биттадан олиб жуфт қилади ва нонни юза тарафига қаратиб тенг қилиб синдиради. Унаштирилаётган ёшларнинг нондай азиз бўлиб, ўз қадр-қимматларини йўқотмасин деган ният ушбу удумда мужасамлашган. Нонни жуфт синдиришда эса келин-куёвнинг, қўша-қариши ҳақидаги магик орзу-истак мужасамлашган. Фотиҳа тўйи якунида ўзаро икки томоннинг ўзаро келувига кўра тўй ва никоҳ куни белгиланган. Фотиҳа тўйидан катта тўйигача бўлган вақтда қудалар товоқ қайтариш, «кўрпа солди», тўққиз, «қиз оши (қиз мажлиси)» каби маросимлар ўтказилган. Йигит томон байрамларда келинга хайитлик совғалар юбориб турган.

Никоҳ тўйи куни ёки бир кун олдин қиз томонга тўйнинг ошини пишириб ёки хомлигича юборилади. Қиз хонадониди жамоага ош тортилади. Ўша куни кўпинча куёвникида ҳам ош берилади.

Тўй куни ёки тўйдан бир кун олдин қизнинг отасиникида никоҳ маросими ўтказилади. Куёв яқин жўраси, тоғаси билан бўлажак келин хонадонига борган. Имом бўлажак куёвга эр-хотинликнинг бурч ва ҳуқуқларини тушинтиргач, қизнинг янгаси орқали рухсатини олиб кейин «Хутбаи никоҳ» ўқиган.

Келинни куёвникига олиб кетгунча ўтказилган «келин яширар», «тўш талашар», «ит ириллар», «чироқ айлантлар», «кампир ўлди», «кампир туш кўрди», «соч сийпатар», «ойна кўрсатар», «қўл қисар», «тўшак тўлдирар», каби қатор удумлар ўтказилган ва уларнинг айримлари ҳозир ҳам сақланиб қолган. Куёвникида келинни уч марта гулхандан айлантрилиб ичкарига олиб киришда «бўсагадан тавоб олиш», «тўй аҳлига салом бериш» одатлари бажарилган.

Ўзбекистонда никоҳ тўйи маросимидан кейинги куёвнинг хонадониди яқин қариндошлар ва қўни қўшнилар иштирокида ўтказилдиган маросим “юз очди” дейилади. Маросим Ўзбекистоннинг турли минтақаларида “Юз очди”, “Юз кўрсатар”, “Юз кўрсатар”, “Бет очар” ёки рўкушон" (тожикча рў- юз, кушон – очар) каби номлар билан юритилади.

“Юз очди” маросимида келинни янгалари ёрдамида юзига оқ рўмол ташлаган ҳолда йиғилганлар ҳузурига олиб чиқилган. Шундан сўнг хонадоннинг ёш боласи томонидан унинг юзидаги рўмол ёки оқ ҳарир парда ўқлов ёки мевали дарахтнинг шохи билан очилган ва узоқроқ жойга олиб қочилган. Авваллари келин юзи очгандан сўнг у ўзи тўқиган рўмолчаларни куёв томондаги болаларга тарқатган. Келиннинг юзини очишда мевали дарахтнинг шохидан фойдаланилади. Бунда мевали дарахтнинг серпущтлик хусусияти келинга ҳам ўтсин, серфарзанд бўлсин, деган ният мужассамлашган. Қолаверса, ёш бола томонидан келиннинг юзини очилиши

хам ушбу удумнинг бўлғуси оила серфарзанд бўлсин деган ниятда амалга оширилади.

"Юз очди" маросимида "Супра солди" одати бажарилган. Бу одат Республиканинг барча ҳудудлари бўйлаб кенг тарқалган. Фарғона водийсида маросимда қатнашганлар даврасига супра ёзиб бир товоқ ун солинади. Қайнона супрадаги ундан бир ховуч олиб, келиннинг қўлига тўкади. Келин эса унни супрага тўкади. Бу ҳол уч марта такрорланади. Бунинг сабаби ўзбекларда ун оқли, ёруғлик ҳисобланади. Шу сабабдан "*супра солди*" удумида яхши ният билан келин-куёвнинг ҳаёти ёрқин бўлсин, мўл кўлчиликда рўзғор тутсин деган тилакда ўтказилади.

"Юз очди" маросимида келиннинг вакил отаси ва тоғаси маросимий палов тайёрлаб қозони билан куёвнинг уйига олиб келади. Айнан мазкур таом билан маросимга ташриф буюрганлар зиёфат қилинади.

Ўзбекларда ҳам бошқа халқлар сингари **мотам** - инсон вафоти муносабати билан ўтказиладиган мунгли маросимдир. Шу боисдан ушбу маросимда ижро этилувчи фолклор жанрлари, маросим иштирокчилари ва уларнинг кийим-бошлари – хама-хаммаси мунглидир. Мотам маросимлари жуда кўп расм-русум, одат ва кичик маросимлар мажмуидан ташкил топган. Жумладан, марҳумни «меҳмон қилиш», («қора ош» тортиш), йиғи маросими, марҳумнинг гуноҳларини рамзий сотиб олиш маросими, дафн ва марҳумни хотирлаш билан боғлиқ ўтказиладиган расм-русумлар ва урф-одатлар.

Марҳумларни хотирлаш маросимлари рамазон ва қурбон ҳайитлари кунларида ҳам ўтказилган. Ҳайит намозлари ўқилгандан сўнг, ҳайитликлар орасида вафот қилган марҳумлар хонадонларида ҳайитлик қилиб, дуои фотиҳа қилгани борганлар. Марҳумларни ва ота-боболар арвоҳларини хотирлаш табиатдаги фасллар ўзгариши билан боғлиқ кунларда, жумладан, биринчи қор ёққанда-«қор ёғди», Наврўзда, лайлак келганда, қовун пишиғида, гул очилганда, дарахтлар(анор, жийда) гуллаганда ҳам ўтказилган. Мотам маросимлари билан боғлиқ маросимлар замон ва маконга оид

фалсафий тушунчалар билан коинот ва инсоният ўртасидаги, табиат ва одам ҳаёти ўртасидаги муайян даражадаги боғлиқликни билдиради.

Ўзбекистон миллий мустақилликка эришгач, халқнинг қадимий ва азалий қадриятлари аста секин тикланди ва уларнинг кўплари халқимиз турмуш-тарзидан ўзининг муносиб ўрнини топди. Ўз навбатида советлар даврида коммунистик мафкура остида олиб кирилган айрим маросимлар халқ турмушидан чиқиб кетди ва қолаверса янги қатор замонавий маросимлар ҳам кириб келди.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар:**

1. Ўзбек халқи оилавий маросимларни таснифлаб беринг?
2. Фарзанд туғилиши ва унинг тарбияси билан боғлиқ маросимдаги рамзий одатлар ҳақида маълумот беринг?
3. Ўзбек халқи никоҳ тўйи маросимларини минтақавий хусусиятлари ҳақида сўзлаб беринг?
4. Номоддий маданияти тизимида ўзбек халқи оилавий маросимлари ҳақида маълумот беринг?

### **Топшириқлар.**

1. Ўзбек халқи оилавий маросимлари таснифини ишлаб чиқинг.
2. Ўзбек халқи никоҳ тўйи маросимлари тарихий тараққиётига оид маълумот беринг.

## ЙИЛ ФАСЛЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАРОСИМЛАР

**Режа:**

- 1. Баҳорги маросимлар.*
- 3. Ёз фасли билан боғлиқ урф-одатлар.*
- 3. Кузги маросимлар.*
- 4. Қиш фасли билан боғлиқ урф-одатлар.*

Йил тақвими билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар таҳлилига оид тадқиқотлардан маълумки, қуёшнинг йиллик ҳаракати давомидаги бурилиш нуқталари: баҳорги ва кузги тенгкунлик ҳамда ёзги ва қишки қуёш туриши кунлари даврий чегара вазифасини ўтаган.

Шарқ халқлари, жумладан, Ўрта Осиё халқлари ҳам амал қилувчи қуёш тақвими эса баҳорги тенг кунлик(21 март)дан бошланган ва янги йил байрами-Йилбоши (сўғдийларда-Навсард, хоразмликларда-Новсоржи) -Янги, рўз-кун) номлари билан байрам қилган.

Ҳозирда ҳам катта тантаналар билан нишонланувчи улуғ байрам-Наврўз макон ва замон ҳақидаги дастлабки тасаввурлар пайдо бўлган замонлардан бошлаб шаклланган. Ўша давр қарашларига кўра йил қиш ва ёздан иборат бўлиб, узоқ давом этган совуқ ва очликдан сўнг иссиқ кунларнинг бошланиши ўзгача кайфиятда, катта тантаналар билан кутиб олинган ҳамда байрам қилинган.

Мазкур байрам дастлаб ўтроқ деҳқонларда, сўнгра ярим ўтроқ ва кўчманчи туркий халқларда урф бўлган. Ўрта аср муаррихи Наршахий Наврўзнинг байрам қилина бошлаганига «...уч минг йилдан ортиқроқ вақт ўтди», деб ёзган бўлса, замонамиз тарихчилари турли археологик материаллар ва тарихий манбаларга асосланиб «унинг илдизи неолит...га бориб тақалади» деган хулосани билдирадилар.

Наврўздан бир кун олдин катта дошқозонларда байрам таоми «Сумалак»нинг пиширилиши ҳам «қозон тўлди» удуми билан боғлиқ

карашлар натижаси ҳисобланади. Ушбу таомнинг тайёрланиши жараёнида бир қатор таъқиқлар мавжудлиги эса уни ҳосилдорлик култи билан боғлиқ эканлигини исботлайди. Улкан қозонлар қадимдан муқаддас саналиб, уларда тангрилар шарафига махсус таомлар пиширилган. Серҳосиллик тимсоли ҳисобланган бундай қозонларда пиширилган сумалақдан тановул қилган кишига йил бўйи омад, қут-барақа ёр бўлади деган қарашлар қадимдан мавжуд бўлган.

Фарғона водийси деҳқонлари Наврўз арафасида этти тахтача устига буғдой, арпа, шоли, жўхори, тарик, жавдар, мош каби донли экинларнинг уруғларини ёйиб қўйиб, ҳар куни сув сепиб турганлар. «Қозон тўлди» куни ана шу донларнинг унишига қараб, келаётган мавсумда қайси экиндан мўл ҳосил олиш мумкинлигини чамалаганлар. Ушбу одат қадимда подшоҳлар саройида ҳам ўтказилганлиги манбаларда кўрсатилган.

Олдинлари ўзбекларда Наврўз байрами қишлоқ жойларда далага қўш чиқариб, уруғлик дон сепиш билан яқунланган. Ушбу маросимлар ҳам бир неча босқичлардан иборат бўлиб, «шоҳмойлар», «уруғ сепиш», «қўш оши» каби номлар билан аталган ва унда Бобо Деҳқонга атаб қурбонлик қилинган.

Хоразмдаги ўзбек манғитлар орасида баҳорда дастлабки эрга экин экишда «ҳазрати одамнинг ҳақиқа» деб ҳўкизларнинг шоҳи мойланган.

«*Лола сайли*» ўзбек халқининг қадимий миллий сайилларидан бири бўлган. Хоразм, Бухоро ва Бойсунда "Қизил гул (гули сурх) сайли", Қўқон, Исфара ва Тошкент атрофларида "Лола сайли", баъзи тоғли туманларда, жумладан, Чустда "Сунбула сайли", яна бошқа жойларда "Бойчечак сайли" каби байрамлар уюштирилган. Лола сайили Наврўз байрамидан кейин (апрелнинг охири-майнинг бошларида) лола ва лолақиздоқлар очилган вақтларда ўтказилган.

Ўзбек халқи турмушида бойчечакнинг очилиши деҳқонларга баҳорги юмушларнинг бошланганлигини, табиатнинг уйғонганлигини билдирган. Лола байрамлари ва бойчечак сайли айниқса Фарғона водийсида кенг нишонланган. Болалар "Бойчечак" кўшигини айтиб, уйма-уй кириб, баҳор

даракчисининг пайдо бўлганлиги хақида суюнчи олишган. Улар бойчечакни аввалига кекса ёшли қарияларга беришга интилишган. Чунки, бу гул улар учун қадрли бўлиб, қишдан омон-есон чиққанлигидан, яна баҳор келганидан, янги ҳаёт бошланганидан дарак берган. Шунинг учун ҳам қариялар бойчечакни кўзига суртиб, "Омонлик-омонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик, янаги йил шу кунларга эсон-омон этайлик", деб яхши ниятлар қилишган.

Байрамни халқ томонидан сайланган "Лолачилар" бошқарганлар. "Лолачилар" ўз дўстлари билан лола сайлининг қачон ва қаерда ўтказилишини аниқлаб, халққа хабар берган. Байрам махсус жойлада (сайилгоҳларда) ташкил этилган. Сайл ўтказилишидан олдин "лолачи" махсус дарахт ёки дарахтнинг чиройли шохидан кесиб олиб, лолалар билан безаган. Кейин уни қишлоқ кўчаларидан олиб ўтган. Буни кўрган одамлар кўчага чиқиб, кўнглига тугиб қўйган ниятларини айтиб, дарахтлар шохига турли мато парчалари, рўмолчалар боғлашган. Сўнг "Лолачилар" га эргашиб, ўйин-кулги қилиб, лолозор томон йўл олишган. Белгиланган жойга келишганидан сўнг "Гул дарахти" марказга ўрнатилган ва оқсоқоллар дуоси билан байрам бошланган. Байрамнинг иккинчи куни муқаддас мазор ва қабристонлар зиёрат қилинган. Бунда эркаклар ва аёллар алоҳида-алоҳида зиёратгоҳларга борганлар. Лола сайллари ва қолаверса гул байрамларини тадқиқ қилиш шуни кўрсатадики, зиёратгоҳларга ва қабристонларга бориш бу байрамларнинг бир таркибий қисми бўлган бўлиб, бунинг сабаби биринчидан, одатда гул сайллари гуллар кўп очиладиган жойларда ўтказилган. Қабристонлар атрофида шундай жойларнинг бири бўлган; иккинчидан, вафот этганларни хотирлаш Шарқ халқлари байрамларига мос бўлган; учинчидан ва энг қизиқарлиси, баҳор гулларидаги қизил ранг кўпинча инсон қони билан таққосланган. Халқда шундай тушунча борки, гўё қизил гуллар ўз рангларини вафот этган кишиларнинг қонларидан олади. Қариялар сўзлаб берган афсоналарга кўра, вафот этганлар қонини эр шимади, гуллар эса ана шу қизил рангни ўзига олиб, уларга иккинчи ҳаёт бахш этади ва эрни гўзал либос--баҳор гуллари билан безайди. Қолаверса Исфарада

аёллар борадиган мазор ҳам Абдулои Сурх (қизил) деб номланган бўлса Бойсунда баҳорда қизил гул сайли ўтказиладиган мазор гули сурх (қизил гул) деб аталган. Советлар ҳукмронлиги йилларида бошқа анъанавий сайиллар каби лола сайилини ҳам илгаридек тўкин-сочин байрам қилиш деярли барҳам топган эди. Мустақилликдан кейин анъанавий лола ва бойчечак сайиллари қайта тикланди ва айрим қишлоқларда баҳор келиши билан апрел ойининг охирига ҳафтасида одамлар йиғилишиб бойчечак сайли ўтказгани қир-адирларга чиқиш оммавий расм бўлди. Улар даштдан бойчечакларни даста-даста қилиб териб келишиб, яқин кишиларини баҳор келганлиги, қишдан эсон-омон чиқиб олганликлари билан табриклашади. Бойчечак сайллари олдинги рамзий маъносини маълум даражада йўқотиб ўйин-кулги, сайл кўринишида сақланиб қолган.

Хоразмдаги *Қизил гул сайли* Хива шаҳри яқинидан қишлоқларда, жумладан Баворис бобо қабристонини атрофида уюштирилган. Сайилда ёшлар ўзлари ясаган гулдасталари қариндош-уруғларига, ёр-биродарларига совға қилганлар. Йигит-қизлар байрам бошидан охиригача ўз дўппиларига қизил гул қадаб қўйганлар. Байрамнинг биринчи куни йигитлар алоҳида, қизлар алоҳида саф-саф тенгқурлари билан бир-бирининг уйларига бориб, оналарини, ёшу қарияларни байрам билан муборакбод қилганлар, кўшиқ айтиб, рақсга тушганлар. Байрамнинг иккинчи куни мачит қабристон яқинидаги бўлиб хушманзара жойларда халқ йиллари ташкил этилган. Сайил давомида «Ёр танлаш» маросими ҳам ўтказилган. Гул сайлларининг асосида асосан баҳордаги деҳқончилик юмушларини бошланиши ётган бўлиб гулларнинг очилиши деҳқонларга навбатдаги зироатчилик мавсумини бошланганлигини аниқлатувчи ўзига хос фенеологик ҳолат ҳисобланган. Шу боис Хоразмда «Қизил гул» байрами бошланган куни жўхори, шоли ва бошқа экинлар уруғи экилган. Шунинг учун ҳам байрам тантаналари қанча яхши ўтказилса, баҳорда деҳқончилик ишлари ҳам муваффақиятли бошланиб ҳосил мўл-кўл бўлишига ишонч билдирилган.



Умуман олганда йил тақвими билан боғлиқ баҳорий маросимларнинг барчаси «биринчи кун» магияси билан боғлиқ ҳисобланади. Одамларнинг янги йил ҳамда биринчи иш кунини покланган ҳолда ва кўтаринки кайфият билан ўтказишга ҳаракат қилишлари кейинги ишларда муваффақият, кутбарка олиб келади деган тасаввурлар натижасида шаклланган. Табиат култлари билан боғлиқ бўлган гул сайллари эса ўлиш ва жонланиш, фасллар алмашинуви, ҳаёт давомийлиги каби қарашлар натижасидир.

Ўзбек халқи тақвимий маросимлари таркибидаги ёз фасли билан боғлиқ маросимлар ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. Йилнинг ушбу давридаги тақвимий маросимларга турли сайиллар ҳамда ҳосилни асраш ва йиғиштириб олиш билан боғлиқ маросимлар киради.

Ёз мавсумининг биринчи оғи Саратон ёзги куёш туриши куни-22 июндан бошланади. Саратон оғи халқ орасида «ёзги чилла» деб ҳам юритилади ва бу даврда ҳамманинг сувга эҳтиёжи кучаяди. Натижада тақвимий маросимлар таркибидаги сув билан боғлиқ одатлар, сайиллар бошланади. Сувга бағишланган қадимий одатлардан бири Ўрта Осиёда байрам даражасига кўтарилган. У ёзнинг махсус кунлари одамларнинг дарё ва сув ҳавзаларига бориб чўмилиши вақтида вужудга келган.

Маълумотларга кўра ёзнинг энг иссиқ чилла вақтлари(июл бошлари)да Сурхондарё вилоятининг Денов ва Қашқадарё вилоятининг Китоб туманларида қадимдан сув сайли ўтказиб келинган. Китоб туманидаги «Оқ дарё»да ўтказилувчи сув сайли уч чоршанба куни ўтказилган. Бу тадбир ёзда «Оқ сув» (тожикча «Оби сафет»), «Лойқа сув» («Оби лойқа»), «Тескари сув» («Оби чаппа») каби номлар билан ҳам аталган.

Ёз фаслида Саратоннинг бошларида ўтказиладиган сайиллардан яна бири «Тут сайли» ҳисобланади.«Тут сайли»ни ўтказиш давомида одамлар қиш учун керакли озуқа ҳозирлаганлар, шунингдек, ўйин-кулги қилишиб, дам олишган, томошалар ва мусобақалар уюштирганлар. Хуллас, тут сайли кишиларга моддий ва маънавий фойда келтирган.

Ёзда ўзбеклар орасида ўтказиладиган навбатдаги таквимий маросимлардан бири «қум сайл»и бўлиб, у шифобахш қумлар мавжуд бўлган ҳудудлар-Фарғона водийсида ва Хоразмнинг баъзи жойларида ўтказилган.

Ўзбеклар ҳам қадимдан ғалла ўримига алоҳида масъулият билан қараб келганлар. Ўримни бошлашдан олдин бирор жонлиқ сўйиб қурбонлик қилиш одати мавжуд бўлган ва у «хайри худойи» деб ҳам номланган. Бу одат Аллоҳга қилинган хайр-еҳсон бўлиб, «худо йўли», «хатми қуръон», «дуо-ю фотиҳа», «қон чиқариш», «қурбонлик» деб ҳам аталган. Таниқли элшунос олим э.Б.Тайлор хайри-худойи маросимларини худди илтижо ва дуолар каби инсониятнинг илк, энг қуйи босқич тараққиётига хос деб қарайди. Умуман, қурбонлик қилиш диний эътиқоднинг қадимий, илк шаклларида то замонавий, жаҳон динларига ҳам хос бўлган маросимдир. Ушбу маросимда қишлоқ оқсоқоллари, дин пешволари ва ўроқчилар иштирок этган. Дастлаб 5-6 та чўзма пиширилиб, «ис» чиқарилган. Сўнгра бирорта «жонлиқ» сўйилиб, қон чиқарилган ва «худойи оши» пиширилган. Маросим иштирокчилари таомни истеъмол қилганларидан сўнг қишлоқ муллasi «Қуръони Карим» оятларидан ўқиб Аллоҳдан, Бобо Дехқон ва азиз-авлиёлардан ҳосилнинг мўл бўлишини, хирмоннинг баракасини беришини, ёғингарчиликка қолмасдан ҳосилни йиғиштириб олишда мададкор бўлишларини сўраганлар. Қишлоқ оқсоқоллари ҳосил йиғимини бошлаб бериб, қишлоқ аҳолисини тезроқ ишлашга, ҳаракатни жадаллаштиришга даъват қилганлар. Хайри-худойи ўтказиладиган омадли, ҳосиятли кун олдиндан оқсоқоллар ёки халқ ҳисобдонлари томонидан белгилаб берилган.

Ёзнинг охири, кузнинг боши яъни «бахмал мавсуми» байрам ва маросимларга бой бўлиб, бу мавсум халқ орасида «пишиқчилик, тўқчилик даври» дейилади. Мазкур даврда «дон янчиш» ва «хирмон кўтариш», «шамол чақариш», «боғ сайли», «қовун сайли», «олма сайли», «узум сайли», «анор сайли», «меҳржон байрами», «ҳосил байрами» каби кўплаб байрам ва маросимлар ўтказилган.

Ўзбеклар орасида кузги тенгкунликда ўтказилувчи қадимий тақвимий байрам «Меҳржон» деҳқон ва чорвадорларнинг энг тантанали тарзда ўтадиган байрамларидан бири саналган. Зеро қомусий олим Абу Райҳон Беруний «Қуёш ва ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек, Наврўз ва Меҳржон замоннинг икки кўзидир», Наврўз куни табиатда жонланиш бошланса, Меҳржон куни ўсувчи нарсалар «...ўсиш чегарасига этиб, ўсиш моддаларининг ундан узилиши ва ҳайвонларнинг наслланиши тўхтади..» деб бежиз айтмаган.

Қадимдан «Наврўз» янги йил ва янги иш мавсумининг бошланиши сифатида танатана қилинган бўлса, «Меҳржон» ўсимликлар дунёсининг ўсишдан тўхтаб, «уйқуга кетиши» ва меҳнат мавсумининг якунланиши сифатида байрам қилинган.

Ушбу қадимий байрам кейинги икки минг йил ичида алоҳида байрам сифатида нишонланмай кўйилган бўлса-да, у бутунлай йўқолиб кетмади. «Меҳржон» куз ва ҳосил байрамига бўлиниб кетди.

Ўзбекларда ҳосилни йиғиштириб олиш билан боғлиқ маросимлар турли туман бўлиб, улардан бири бу «қовун сайли»дир. Қовун сайли ўрта асрларда катта танатаналар билан ўтказилган. Қашқадарё воҳасида яшовчи зукко ўзбек деҳқонлар полиз маҳсулотлари пишган вақтида қишлоқ оқсоқоллари, кўни-кўшни ва ёру биродарларини қовун сайлига таклиф этади ва уларга полизнинг энг сара қовун-тарвузлари тортиқ қилади. Оқсоқоллар деҳқоннинг ҳосилига барака тилаб дуо қиладилар ва ҳосил йиғимига руҳсат беришади. Ана шундан сўнг деҳқонлар сайлнинг ёшроқ иштирокчиларини қовун узиш учун ҳашарга таклиф этадилар. Ҳашар охирида ёрдамчиларга уйларга олиб кетиш учун энг яхши қовунлардан ҳадя қиладилар.

Тақвимий маросимлар йилнинг охириги чораги қиш фаслида ўз ниҳоясига этади. Ўрта Осиё халқларида қиш фасли билан боғлиқ маросимлар шимолий, қорли ўлкалардаги халқлардагига нисбатан озроқ бўлса-да, лекин ўзига хос бўлган «Биринчи қор», «Гап-гаштак», «Сандал ўйинлари», «Ялдо

кечаси», «кишки чилла» (Чилла кирди, Кичик чилла, Чилла чикди) каби маросимлар ва одатлар қадимдан ўтказиб келинган.

Биринчиси, «қор хат» деб номланиб, хурсандчилик билан; иккинчиси, эса «қор ёғди» деб номланиб, бирмунча қайғули тарзда нишонланган.

«Қор хат» одати қадимда кенг тарқалган анъана бўлиб, ҳозирга қадар давом этиб келмоқда. Одамлар белгиланган шартларга кўра «қор хат»ни ўзига яқин, дилига сиққан кишилардан, яъни дўстлари ёки қариндошларидан бирига ёзадилар ва сездирмасдан уларнинг қўлига бериши ёки чўнтагига солиб қўйиши керак. Хатни муаллифнинг ўзи ёки бошқа бирор одамни ёллаб ўтказиши мумкин, фақат хатни берганидан сўнг борган ҳовлисининг чегарасидан чиқиб олгунига қадар қўлга тушмай қочиб кетиши керак. Акс ҳолда у кулгили кўринишдаги кўнгилсизликларга учраши мумкин.

Мактубни «билмай» қабул қилган киши хатни олиб келган одамни ҳовлисининг чегарасидан чиқмай туриб ушлаб олиб, хатни унинг қўлига қайтара олмаса, хатда ёзилган шартларни бажариши керак бўлади.

Агар хат дарров эгасига топширилса, унда хат муаллифининг ўзи мактубдаги шартларни бажаради. Баъзи ҳолларда қўлга тушган «қор хат» муаллифининг юзига қорақуя суртиб, эшакка тескари ўтиргизиб, кўчаларда айлантириб одамлар орасида масҳара қилдирилган.

Қишлоқларда «қор хат» олиб келган одамнинг мақсадини хонадон эгаси сезиб қолса, олдиндан унинг йўлига пойлоқчи қўйган ва хат олиб келган кишини ушлаб олиб, қор билан юзларига ишқалаб, қийнаганлар ва унинг ўзини зиёфат беришга мажбур қилганлар.

Қорхат ёзишдан асосий мақсад «рақиб»ни зиёфатга тушириш бўлганлиги учун хатда зиёфат қачон, қаерда, неча кишига берилиши лозимлиги албатта кўрсатилади.

Шунингдек, одатга кўра зиёфатга қандай таомлар ва нозу неъматлар тайёрлаш шarti айтилиб, унга хат муаллифи билан бирга борувчи меҳмонларнинг номлари ҳам маълум қилинган. Энг муҳими, «Биринчи қор»

ёққан кун қилинган зиёфат туфайли гиналар, хафагарчиликлар унитилиши, унда суҳбат, ялло, қаҳ-қаҳа авжига чиқиши лозим эканлиги таъкидланган.

Биринчи қор ёғиши билан боғлиқ иккинчи одат «қор ёғди» деб номланиб, жорий йилда биринчи марта қор ёққунига қадар ўлик чикқан хонадонларда ўтказилган. Тошкент, Фарғонада ўлик чикқан оилаларнинг аъзолари биринчи қор ёққан куни оламдан ўтган оила аъзоларини хотирлаб «ис» чиқарадилар ва худойи қиладилар ҳамда қабристонга бориб, марҳумнинг қабрини зиёрат қиладилар.

Ўзбек халқи таркибидаги ўтроқ ва кўчманчи этносларда ҳам мавжуд бўлган бу каби қадимий маросимлар XIX аср охири-XX аср бошларидан шакли ўзгариб, маҳаллий аҳоли орасида: Хоразмда—«гурунг», «ўтиришма», «қидиришма», «зиёфат», Фарғона водийси ва Тошкентда—«гап», Бухорода—«жўра», Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарёда—«гаштак», «суҳбат» каби номлар билан аталган. Шунингдек, жанубий вилоятларда зиёфатга 40 йигит тўплангани учун у «қирқ йигит» деб ҳам аталган.

Баъзи маълумотларга кўра гап-гаштак қадимий эркаклар йиғини-«Яса-юсун» маросими асосида пайдо бўлган. Кўчманчи чорвадор аҳолига тааллуқли бўлган «Яса-юсун» маросими, XVIII асрга қадар қимизхўрлик маросим сифатида мавжуд бўлиб, кейинчалик тариқ ва курмакдан тайёрланувчи махсус ичимлик – бўза ичиш билан алмашган.

Ўзбекларда бу маросим шерда, бўзахўрлик ва кўна ўтиришлари каби номлар билан юритилган. Ўтроқ халқларда узум сувидан тайёрланган-мусаллас, кўчманчиларда эса кўпроқ бўза ичилган.

Қишки мавсумдаги гаплар баъзи жойларда жума ва бозор кунларидан ташқари ҳафтада уч марта ўтказилса, бошқа бир жойларда эса ҳафтанинг бозор ва пайшанба кунларидан ташқари ҳар куни ўтказилган. Ҳафтанинг бозор ва пайшанба кунлари деярли барча хонадонларда миллий таом-палов пиширилиб, барча эркаклар ўз оиласи даврасида бўлишга ҳаракат қилган.

Гап аъзолари «жўралар», «зиёфатдошлар», «гаштакхўр», «гапхўр» дейилган. Фарғона водийсининг асосий ҳудудларида «гапхўрлар»нинг сони 15-

25 (Андижоннинг Дарломон, Сарой, Араб-қишлоқ; Наманганнинг элатан, Варзик, Қорақўрғон ва Фарғонанинг Уч-ёр қишлоқларида), камдан-кам ҳолларда 25-30 (Наманганнинг ғова қишлоғида) кишидан иборат бўлган.

Ҳозирги даврга келиб барча жойларда гап иштирокчилари асосан мактабда бирга ўқиган дўсту-биродарлар орасида ойда бир ёки икки мартадан, қиш мавсумида эса ҳар ҳафтанинг охири кунида ўтказилади. Баъзи бир катта қишлоқлардаги (аҳолиси қадимдан ўтроқ бўлган ҳудудларда) маҳалла гузарларида маҳалладошлар олдиндан пул йиғишиб, бозордан озиқ-овқат маҳсулотлари ва боқилган кўчқор олиб келадилар. Кўчқорни сўйишиб то гўшти тугагунга қадар ҳар куни (якшанбадан ташқари) самовар(чойхона)да ошхўрлик қиладилар. Озиқ-овқат захираси тугаб қолса, яна ўзаро пул йиғишиб бозорлик қилганлар. Гапнинг ушбу кўринишида иштирокчиларнинг ёши чегараланмаган.

XX аср бошларига қадар қишки юз кунлик муддат тугаганидан сўнг «Сади пок» бўлди – қиш тугади деб, март ойининг ўнинчиларида ёки эски йилнинг охири чоршанбасида «Сафар қочди» маросими ўтказилган.

Мазкур маросимлар зардўштиликнинг «Сада» байрамининг трансформацияга учраган кўриниши ҳисобланиб, тарихий манбаларга кўра зардўштиликнинг энг катта байрамларидан бўлган ва қуёш тақвимидаги ўн биринчи ой – бахманнинг учинчи кунида нишонланган. Бегуний маълумотларига кўра бу байрамда «одамлар олов ёқиб, қиш захрини дафн этиш учун тутатқилар тутатадилар, ҳатто шу кеча олов ёқиб алангалатиш, шу оловларга ёввойи ҳайвонларни ташлаш, алангаларнинг ичига парандаларни учуриш ва (олов) атрофида ичимликлар ичиб, ўйин-кулги қилганлар». Қадимда олов қанчалик баланд бўлса келгуси йилдаги ҳосил ҳам шунчалик баланд бўлади деган қарашлар ҳам мавжуд бўлган.

Умуман олганда қиш фасли йил бўйи қилинган меҳнатнинг натижаси сарҳисоб қилинадиган, олдиндан режалаштирилган тўйлар ўтказиладиган, янги меҳнат мавсуми бошлангунга қадар яхши дам олиб хордиқ чиқариладиган давр ҳисобланади. Буларнинг барчаси қиш фаслида

Ўтказиладиган тақвимий маросимларда ўз аксини топган. Қишнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса янги меҳнат мавсумига тайёргарлик кўрилади бошланади, ўз навбатида қиш фасли билан боғлиқ маросим ва урф-одатлар табиат қонуниятларига кўра баҳорий маросимларга уланиб кетади.

Умуман олганда ўзбекларнинг йил тақвими билан боғлиқ маросимлари қадимги даврилардагидек ўз вақтида ва асл кўринишида бугунги кунга келиб нишонланмаса ҳам ёки кундалиқ ҳаётнинг айрим жабҳаларида, хўжалиқ машғулоти билан боғлиқ қарашларда, халқ оғзаки ижодида сақланиб қолган. Мазкур маросимлар тарихнинг турли қатламларида мавжуд бўлган қадимги аجدодлар дунёқарашининг ўзига хос хусусиятлари, ҳамда зарраларини ўзида мужассам этган бўлиб, қадимий анъаналарни ташувчи ҳисобланади. Ўзида миллийлик руҳини сақлаган тақвимий маросимлар халқ миллий руҳияти, анъаналари давомийлигини сақловчи буғун функциясини бугунги кунда ҳам сақлаб келмоқда.

#### **Назорат ва муҳокама учун саволлар:**

1. Ўзбек халқининг баҳорги маросимларни таснифлаб беринг?
2. Ёзги маросимлар билан боғлиқ урф-одатлар ҳақида сўзлаб беринг?
3. Кузги маросимларнинг минтақавий хусусиятлари ҳақида маълумот беринг?
4. Қишги маросимлар ҳақида маълумот беринг?

#### **Топшириқлар:**

1. Ўзбек халқининг йил фасли билан боғлиқ маросимлардаги рамзий хусусиятлар ҳақида эссе тузинг.
2. Йил фасллари билан боғлиқ маросимлардаги трансформатсион жараёнларни тарърифлаб беринг.

## ЎЗБЕКЛАРНИНГ ЖАМОАВИЙ МАРОСИМЛАРИ

**Режа:**

- 1. Номоддий маданий мерос муҳофаза қилишда маҳлла тажрибаси.*
- 2. Ўзбекларда жамоа институти.*
- 3. Ўзбек халқининг ҳашар билан билан боғлиқ урф-одатлари.*
- 4. Ўзбекларнинг нон билан боғлиқ урф-одатлари.*

Маълумки, маҳалла фуқароларининг ташаббуси билан ташкил этилган тарихий жамоадир. Ўтмишда ва ҳозирда ҳам маҳалла тарбия ўчоғи, миллий кадриятлар маскани ҳисобланиб, номоддий маданий меросни муҳофаза қилувчи ўзига хос институт ҳисобланган. Шубҳасиз ўзбек халқи ҳам ўзбекларга хос миллий ўзликни, урф-одатлари ва маросимларини авайлаб сақлашда асосан маҳаллага таянади.

Тарихий этнографик адабиётларда ёзилишича, маҳалла деганда катта оила ёки бир неча оилаларни ўзига бирлаштирган ҳудуди бирликдаги жамоа тушунилган. Маҳалла фуқароларнинг ташаббуси билан ташкил этилган тарихий жамоадир<sup>1</sup>.

Маҳалла жуда қадим тарихга эга бўлиб, унинг илдизлари бронза даврига бориб тақалади. Қадимшунослик манбаларининг гувоҳлик беришича, бронза даврига бориб тақалади. Милоддан аввалги ИИИ асрдан милодий V асрнинг бошларигача қадимги Фарғона (Паркана) давлатида барча масалаларни оқсоқоллар кенгаши ҳал этган.

Ўзбек маҳалласи эзгулик бешиги, тарбия ўчоғи, миллий удумлар, урф-одатлар ва анъаналар шаклланган маскан бўлиб, одамларни ўзаро меҳр-оқибатли, саҳоватли қилиб тарбиялашда, ўзига хос жамоа ва жамовий анъаналарнинг шакллантирилишида жуда катта аҳамиятга эга бўлган. Жумладан, Ўзбекистонда маҳалла тўй-маърака, ҳашар уюштириш, муҳтож

---

<sup>1</sup> Во‘риев О., Saidov B. Mahalla – milliy tarixiy institut. Toshkent, Yangi nashr, 2012. 12 bet.



ва эҳтиёжманд одамларга ёрдам бериш, турли байрам ва тантаналарни биргаликда нишонлаш ва ҳоказо вазифаларни бажарган.

Маҳалла оқсоқоллари етакчилигида тўй маросимлари(бешик тўй, суннат тўй, никоҳ тўйи) ва мотам маросими , халқ сайиллари(Наврўз, Лола сайли, Ҳосил байрами, Меҳржон)да болалар иштирокида миллий кураш ва кўпқари каби халқ ўйинлари уюштирилади.

Айнан маҳалла доирасида ўтказиладиган турли жамоавий анъаналар орқали ўзбекларга хос номоддий маданият анъаналари ва маънавий тамойилларга асосланган одоб-ахлоқ тизими ўргатилади. Қолаверса. ёш авлодга бу тадбирларда асосан эзгуликка йўғрилган урф-одат ва анъаналар сингдирилади. Шу боисдан ҳам ўзбекларда «Отанг-маҳалла, онанг маҳалла», «Бир болага этти қўни қўшни ота-она» деб бежизга айтилмаган.

Ўзбекистонда Рамазон ва Қурбон ҳайитлари арафасида, Наврўз, Хотира ва қадрлаш куни, Мустақиллик байрами олдидан ҳар бир маҳаллада маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари иштирокида ҳашар уюштириш анъана тусига кирган. Бу жараёнда маҳалла оқсоқоли ёшларни жамоада турли вазифаларни бажаришига, пиру бадавлат қарияларнинг тўпланган тажрибаларга суянган ҳолда иш тутишга алоҳида эътибор берган.

Маҳаллада аждодлардан авлодларга мерос тарзда маънавий-ахлоқий мазмунга йўналтирилган гўдакларни овутиш ўйинлари уларда жамоага уюша олиш туйғусини шакллантирган. Қизлар ўртасида жамоада «читтигул», «яшинмачоқ», «бештош», «меҳмон-меҳмон», «оқ мунчоқдан кўк мунчоқ», ўғил болалар орасида «жупми-тоқ», «кўз боғлар», «варрак», «ғиз-ғизак», «ғир-ғирак», «муш кетди», «ов», «ошиқ», «ишти», «хуржун-хуржун» каби ўйинларда жамоага уюшиш шаклланган. Жамоа таъсирида болалар онгида кимдир ота-она, кимдир жамоа сардори бўлишга интилиш, катталарга тақлид шаклланган. Болалар ота-оналари тарбиясидан узоқлашгандан бошлаб тенгқурлари даврасида аста-секин катталар жамоасига қўшила бошланган.

Хуллас, маҳалла тарихий кадриятларининг тикланиши, ривожлантирилиши, номоддий меросни аждодлардан авлодларга етказишда, уларнинг кундалик ҳаётга жорий этилишида ўзига хос мактаб ҳисобланади.

Ўтмишда Ўзбекистонда барча ҳаётий муаммолар билан шаҳарда маҳалла, қишлоқда қишлоқ ва овул жамоалари шуғулланган. Маҳалла ва қишлоқ жамоасини жамоа йиғинида сайланган оқсоқол (Хоразмда-ёшулли) бошқарган. Ижтимоий ҳаёт масжид, чойхона ва бозорларда мужассамлашган, уларда асосан эркаклар иштирок этган, жамоага маълум бир маҳаллада, қишлоқда яшовчилар бирлашганлар. Кишининг эътиқоди, миллати ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, у ёки бу жамоа ҳудудида яшаши унинг ўша жамоага мансублигининг ягона белгиси ҳисобланган. Жамоодаги кишилар, касб ҳунари ва мавқеидан қатъий назар жамоа ишлари (ҳашар) ва маросимларга қатнашишлари зарур бўлган, акс ҳолда бундай шахс халқ назаридан қолган. Ўзбек халқи оила қуриш анъаналарига риоя қилишда, қиз узатиш ёки куёв танлашда ҳам қуда бўлмиш томон хусусида маълумотга эга бўлиб, уларнинг ижтимоий келиб чиқишини жамоада тутган ўрнини ва обрў-еътиборини ҳисобга олади. Агар куёв ёки келин бўлмиш томоннинг ақли, одоби, ҳусни-малоҳати бир ҳисса бўлса, уларнинг қариндош-уруғлари, авлоднинг жамоадаги мавқеи ва бу хусусдаги жамоатчилик фикри иккинчи, аксарият ҳолларда ҳал қилувчи омил вазифасини ўтайди. Фарзандларни яхшига қўшиш, бу борада хато қилиб қўймасликда жамоа, жамият раъйи, кўпчиликнинг кенгашли фикри муҳим рол ўйнайди. Шу боисдан ҳам, жамоатчилик фикрининг шахс турмуш тарзи, тақдирини белгилашдаги устуворлик мавқеи беқиёсдир. Шу боис халқ орасида «Ғарб қонунлар, Шарқ урф-одатлар билан бошқарилади» деган нақл кенг тарқалган. Дарҳақиқат Шарқда, шу жумладан ўзбекларнинг турмуш тарзида ҳам кўплаб урф-одатлари қонунлар даражасида юқори туради. Жумладан, оила даврасида ёинки кенг жамоатчилик ўртасида ўтказиладиган барча маросимларимизда маҳалланинг бош-қош бўлиши, қўни-қўшничилик анъаналаримиз, оила-турмуш маросимларимиздаги кўплаб урф-одатлар қонун даражасида амал

килинади ва жамоага асосий эътибор берилади. Ўзбеклар орасида кенг тарқалган жамоатчилик анъаналари чуқур тарихий илдизларга эга. Бу тартиботнинг ибтидоси минтақа халқларининг энг қадимий ёзма манба ҳисобланган «Авесто» китобида баён этилган. Ёзма ва археологик манбаларда минтақанинг қадимий шаҳарлари аҳолиси орасида жамоалар фаолият кўрсатганлиги, фақат турмушдагина эмас, балки ишлаб чиқаришда ҳам жамоа асослари мавжудлиги қайд этилган. Ўрта асрларда жамоа фақат жамоавий асослардагина суғориш тизимини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш, бинобарин, деҳқончилик билан шуғулланиш мумкин бўлган қишлоқ аҳолиси учун ҳам, шунингдек, шаҳар аҳолиси учун ҳам ўзининг илгариги аҳамиятини сақлаб қолган ва барча удумлар, маросимлар қишлоқ ва шаҳарда маҳалла жамоаларининг ташаббуси билан ўтказилган.

Шарқ халқларининг энг оммавий тарқалган қадимги меҳнат удумларидан бири ҳашардир. Ҳашар сўзи арабча “ҳашр”, ҳашар (тўда) сўзларидан келиб чиққан бўлиб, «йиғмоқ», «тўпламоқ», деган маъноларга эга. Баъзи манбаларда ҳашар сўзига «йиғин», «тўда» изоҳлари берилган. Ҳозирги пайтда “ҳашар”, “кўмак” атамалари айнан бир хил маънони англатиб, уйғун тарзда ишлатилади. Ҳашар-бирор ишни биргалашиб бажаришда жамоатчилик томонидан берилган ихтиёрий ёрдамдир.

Ўзбекистоннинг турли вилоят ва туманларида ҳашарнинг ўзига хос анъаналари ва бир неча тури мавжуд: жамоа ишларини бажаришда, кўни-кўшничилик ва қавм-қариндошлик доирасида ўтказиладиган ҳашар ва бошқалар. Ҳашарнинг бу турлари ихтиёрий ўзаро ёрдам бўлган. Ҳашарнинг яна бир тури давлат миқёсида ўтказилган. Унда олдинлари хон ва мулкдор эрларига сув чиқариш учун ариқ қазилган, кўриқ очилган, ҳосилни йиғиштириш ва қурилишлар амалга оширилган бўлса кейинги йилларда баҳарда «Наврўз» арафасида ўтказиладиган ҳашарда жамоат жойларини тозалаш, янги кўчатлар экиш ва дарахтларни қирқиб шакл бериб оқлаш каби юмушлар оммавий равишда бажариш анъанага айланган. Кичик кўламдаги ҳашарни ҳашарбоши (арик қазилса-мироб ёки қишлоқ оқсоқоли) бошқарган.

Катта ва узок муддатда бажариладиган ҳашарлар махсус ишбошилар (канал казилганда-ариқ оқсоқли) назоратида ўтказилган. Жамоа ишлари бажариладиган ҳашар Ўзбекистоннинг барча қишлоқ ва шаҳарларида кенг қўлланилган. Суғориш ишлари билан боғлиқ ҳашарлар Бухоро воҳасида иш объектига (ҳажмига қараб ҳашарни руд (руд-магистрал канал ёки «ҳашари жуй») (жўй -каналдан чиқарилган катта ариқ дейилиб бу бош канални ерларнинг лойқадан тозалаш учун ҳар йили ўтказиладиган ҳашар бўлган «Ҳашари банд» ёки «ҳашари варқ»-бош тўғонларни тиклаш ёки кузатиш ҳашари, «ҳашари дамна» ёки «ашари дарё хур» ва «сангкорлик» канал бошини дарё ювиб кетган ёки дарёнинг асосий оқими ўз йўналишини ўзгартириб канал даҳанаси бош қисми четда қолган вақтларда ўтказилган. Ҳашар ёки оммавий ҳашар «марди вилоят» ёки марди вило» номлари билан юритилган.

Жамоа ҳашари билан кўприк қуриш ва таъмирлаш, ариқ-зовурлар, қазиш, уларни тозалаб туриш; масжид қуриш ва таъмирлаш, мозорларни тозалаш ва б. ишлар бажарилган. Катта ҳашарлар тантаналари бошланиб, тугалланиши ҳам кўтаринки руҳда яқунланган.

Қўшниларнинг ўзаро ҳашари қадимий удумлардандир. Бундай ҳашар кўпинча дала ишлари, экинчилик, уй қуриш, ҳовли деворини кўтаришда, тўй-ҳашамларда кенг қўлланилган. Ҳашарга айтилган кишиларнинг келиши шарт бўлган. Узрли сабаб билан кела олмай қолган кишиҳашар бўлаётган кўшнисиникига ҳашарчилар учун таом пишириб чиқарган. Агар ҳашар кўлами катта ва у жамоа манфаати учун бўлса (масалан, масжид қуриш, ва ҳ.к.), у ҳолда жамоа оқсоқоли билан маслаҳатлашган ва унинг ижозати билан олинган. Оилавий ҳашар кўпинча иморатни тиклаш ишларида қавм-қариндошлар иштирокида бажарилган. Ҳашар маҳалла ва қишлоқ жамоа фуқороларини бирлаштиради, уларни элкадошликка, уюшқоқликка даъват этади.

Ҳозирги пайтда ҳашар жамоаларида ҳамжихатлик асосида ўтмоқда. Рамазон ва Қурбон ҳайитлари, Наврўз, Хотира ва қадрлаш куни,

Мустақиллик байрами олдидан ҳар бир жамоада ҳашар уюштириш анъана тусига кирган.

Миллий таомлар ва неъматлар ичида ўзбекона миллий нонларимиз қадим қадимдан ўзига хослиги билан қадрланиб келган. Нон инсониятнинг энг қадимий ва зарурий ҳамда керакли озуқаларидан бири бўлган.

Ўзбекистонда нонлар ўзининг хилма хил ва ранг-баранглиги билан ҳам ажраб туради. Ўзбекларда ноннинг «уй нони», «оби нон», «ширмай нон», «ширмай кулча»*ёғли нон*, «жиззали нон», «пиёзли нон», «қовоқли нон» «пацир нон» каби кўплаб турлари бўлиши билан бирга ҳар бир минтақа аҳоси орасида нон тайёрлашнинг ўзига хос технологияси ва мактаби бўлган. Самарқанд ҳақида ёзган Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Хуб нонволиклари ва ошпазилликлари бордур», -деб қайд этган эди.

Ўзбек оилаларида фарзандлар болалик давридан оқ нонни эъзозлаш, уни исроф қилмаслик руҳида тарбияланган. Нон ҳеч қачон оёқ остига ташланмаган. Нонни босиш оғир гуноҳ ҳисобланган. Ўзбекларда ётадиган эрда нон эб бўлмайди. Агар ётоқда нон эйилса киши ёмон туш кўриб тушида алаҳсираши мумкин, деб ҳисобланган.

Ўзбекистонда ҳар бир хонадонга ташриф буюрган меҳмон олдида ёзиладиган дастурхонга энг аввало энг улуғ неъмат тарзда нон олиб келинган ва қўйилган нон оила бошлиғи томонидан синдирилган. Нонни пичоқ ёки бошқа кесувчи буюмлар билан ушатиш ушбу муқаддас неъматга ҳурматсизлик сифатида баҳоланган.

Халқимиз орасида ўтказиладиган кўплаб тақвимий байрамлар, сайиллар ва оилавий маросимларда аксарият ҳолларда нон билан боғлиқ қатор урф-одат ва расм-русумлар амалга оширилган. Жумладан, Намаган вилоятида келинни куёвниқига кузатишда унинг бошига нон қўйиб локи боғлаш одати бўлган. Хоразмда нон бўлаклари тумор қилиб тақилган ва нон учун хамир тайёрлаб қўйилган эрга (масалан, тандир олдида) жин, парилар яқинлашмайди, деб қаралган. Республиканинг кўплаб вилоятларида янги

туғилган чақалоқ ёки хатна қилинган ўғил боланинг ёстиғи остига нон қўйилган.

Мотам маросимидан ташқари деярли барча маросимларга келган меҳмонлар ўзлари билан нон олиб борганлар ва ўз навбатида, ушбу тантаналардан нон олиб қайтганлар. Никоҳ тўйини бошланишида совчилар томонидан қизнинг ота-онасидан розилик аломатлари олингач, кекса ёшли, кўп фарзандли, бир никоҳли киши йигит ва қиз тақдирининг мустаҳкам боғланиши ҳақиқага дуои фотиҳа ўқиб, қўлига қиз томонидан дастурхонга қўйилган ва йигит томонидан олиб келинган нонлардан биттадан олиб жуфт қилади ва нонни юза тарафига қаратиб тенг қилиб синдиради. Ушбу удум ўзбекларда *нон синдириши*, деб номланган. Унаштирилаётган ёшларнинг нондай азиз бўлиб, ўз қадр-қимматларини йўқотмасин деган ният ушбу удумда мужассамлашган. Нонни жуфт синдиришда эса келин куёвнинг қўша қариши ҳақидаги орзу-истак намоён бўлишини англатса ушбу маросим ҳар икки томон ўртасида қариндошчилик ришталари боғланганлиги рамзи ҳисобланган.

Ўзбек халқи азал-азалдан нафақат ўтмиш тарихи, бой миллий мероси, буюк алломалари билан балки турли хил ноз неъматлари хилма хил ҳамда калорияли нонлари билан ҳам машҳур бўлган. Ўзбекона тарзда тайёрланадиган нонларимзда халқимизнинг кўп асрлик тарихий қадриятлари билан бирга меҳнат фаолияти қиёфаси ва иқлим шароитлари шубҳасиз ўз аксини топган. Шунинг учун ҳам ўзбек нонлари ва у билан боғлиқ урф одатлар номоддий маданиятимизнинг ажралмас қисми тарзида ҳар доим ҳам қадрлидир.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар:**

1. Ўзбек халқи турмуш тарзида жамоанинг ўрни ҳақида маълумот беринг?
2. Маҳалланинг тарихий асослари ва рвиожланиш босқичлари ҳақида сўзлаб беринг?

3. Ўзбек халқи жамоавий маросимларида ҳашар анъанаси ва унинг минтақавий хусусиятлари ҳақида нималарни биласиз?
4. Номоддий маданияти тизимида нон билан боғлиқ урф-одатлар ҳақида маълумот беринг?

#### **Топшириқлар.**

1. Ўзбек халқининг жамоавий маросимлари ҳақида эссе тайёрланг.
2. Ўзбеклар турмуш тарзида ҳашар ва ҳашар турлари ҳақида презентатсия тайёрланг.

## МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАШҒУЛОТЛАРИ

№	Мустақил таълим мавзулари	Берилган топшириқлар	Бажар. муддат.	Ҳажми (соатда)
1	“Халқ ижодиёти” фанининг мақсад ва вазифалари	Адабиётлардан конспект қилиш. Индивидуал топшириқларни бажариш	1-4 - хафта	6
2	Дин ва жамият. “Авесто” ва унинг миллий қадриятлар тизимидаги ўрни.	Адабиётлардан конспект қилиш. Мустақил топшириқларни бажариш.	5-8- хафта	6
3	Халқ анъана ва урф-одатларининг халқ ҳаётидаги ўрни	Адабиётлардан конспект қилиш. Мустақил топшириқларни бажариш.	9-12- хафта	6
4	Ўзбек халқ маиший маросимлари	Адабиётлардан конспект қилиш. Мустақил топшириқларни бажариш.	13-17- хафта	6
		<b>Жами</b>		<b>24</b>



## ГЛОССАРИЙ

**«Эпик тур»** — миф, афсона, ривоят, эртак, нақл, латифа, лоф, терма, достон ва бошқалар.

**Лирик тур** — маросим фольклорининг деярли барча кўринишлари, болалар фольклорининг кўпгина турлари, кўшиқнинг ҳамма хиллари, ашула ва шу кабилар.

**Драматик тур** — оғзаки драма, кўғирчоқ ўйин, аския, халқ театрлари ва шу кабилар.

**Махсус тур** — мақол, матаи, топишмоқ кабилар.

**Анимизм** (лот.-жон, рух) - дунёда жон ва рухлар мавжудлигига ишониш. Ибтидоий даврда пайдо бўлган. Ибтидоий одамлар табиат кучларига қарши курашда ожизлик қилган, ўз ҳаёти ва танасидаги турли ҳодисалар (туш кўриш, галлютсинатсия, ўлим ва ҳаказо)ни тушунмаган. Улар жон тана билан боғланган ва у танадан чиқиб кета олади, деб ҳисоблаганлар. Инсонда аста-секин абстракт тафаккур ривожланиши билан моддий нарсаларга боғлиқ рух тўғрисидаги тасаввурлар пайдо бўлган. Рухлар яхши, сахий ҳамда ёмон, ёвуз рухларга бўлинган. Рухлар одамлар ҳаётига, турмушига таъсир кўрсата олади деб тасаввур қилинган. Шу сабабли зарур пайтларда уларга қурбонликлар қилганлар. Анимизмнинг айрим кўринишлари бизгача етиб келган.

**Аския**- Сўз ўйинига, қочириққа асосланган сўз ўйини.

**Алла**- гўдакни ухлатишда айтиладиган кўшиқ.

**Афсун**- сўз жодуси.

**Жамоа** (ар.) - кишиларнинг қавмига уюшув шакли. Жамоа асосан ибтидоий жамият тузумига хос бўлиб, айрим ҳолларда синфий жамиятда ҳам узоқ вақт сақланиб қолувчи кишилар бирлашмалари шаклларида бири. Жамоа учун ишлаб чиқариш воситалари (кўпинча ерга) биргаликда эгалик қилиш, ўз-ўзини идора этиш ҳуқуқидан тўла ёки қисман фойдаланиши характерлидир. Жамият тарққиёти жараёнида жамоанинг шакли ва мазмуни ўзгара беради.

Жамоанинг уруғ жамоаси, қишлоқ жамоаси, уй, оила жамоаси, кўшничилик жамоаси ёки ҳудудий жамоа каби кўринишлари мавжуд.

**Лирика** (юнон. - лира журлигида куйлаш) - бадиий адабиётнинг асосий турларидан бири бўлиб, бирор ҳаётий воқеа-ҳодиса таъсирида инсон калбида тугилган рухий кечинма, фикр ва Туйгулар орқали воқеликни акс эттирди,

**Мақол**- ибратли сўздир. Шундай сўзки, сўзга ҳусн беради, фикрни тушуниб олишни осонлаштиради. «Мақол», аслида арабча, «сўз» деган маънони билдиради. Уни «оталар сўзи» ҳам дейдилар. Бундай номлаш мақолни тушунишни осонлаштиради.

**Магия** (юнон.) - сеҳргарлик, одамнинг ўзини ғайри табиий кучлар таъсирида кўрсата олиш қобилиятига асосланган иш амаллари.

**Маросим** (ар.) - диний ёки анъанавий урф-одатлар муносабатлари билан ўтказиладиган маърака, йиғин: тантаналар билан уюштириладиган расмий йиғин.

**Драма-1.** Муаллиф нутқисиз, яни диолог шаклида ёзилган ва сахнада ижро этиш учун мўлжалланган бадиий адабиётнинг лирика ва эпос қаторидаги бир тури. 2. Тор маънода – драматик адабиётнинг бир қисми, трагедиядан ҳаёт ҳодисаларининг ўртачароқ ўткирликда тасвирловчи билан, комедиядан эса ҳаёт ҳодисаларини кулги орқали эмас, балки жиддий тасвирлаш билан фарқ қилади.

**Қизиқчи** - ўзбек халқ қизиқчилиги театрининг актёри.

**Топишмоқда** -яширин маъно кўпинча мажозий шаклда келтирилади, аниқроғи, нарса номи бирон-бир қуш, ҳайвон, буюм, ўсимликка қиёсланган ҳолда берилади.